

А Ж Р И М

(Ярашув асосида жиноят ишени тугатиши ҳақида)

2020 йил сентябрь ойининг 18 куни жиноят ишлари бўйича Фурқат туман суди, жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман суди биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи: судья О.Хасанов, К.Рўзиқулованинг котиблигида, давлат айбловчиси Ўзбекистон туман прокурори М.Отабоев, судланувчи Ш.Избосаров, жабрланувчи М.Кенжаевларнинг иштирокида, Избосаров Шарифжон Мураталиевичга нисбатан 1-1519-2001/129-сонли жиноят ишени кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Избосаров Шарифжон Мураталиевич (Izbosarov Sharifjon Murataliyevich), 1970 йил 10 апрелда Ўзбекистон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам;

- 1) Ўзбекистон туман судининг 1995 йил 23 февралдаги қарорига кўра ЎзССР ЖКнинг 204-моддаси 2-қисми 19.08.1994 йилдаги Амнистия тўғрисидаги фармонга асосан жиноий жавобгарликдан озод этилган;
- 2) жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман судининг 2009 йил 16 июлдаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан кўзғатилган жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан ярашув асосида ҳаракатдан тугатилган, Ўзбекистон тумани, 1-сонли БЎСМда мураббий, Ўзбекистон тумани, “Кичик Тағоб” м.ф.й. Кичик Тағоб қишлоғи, Ибрат кўчаси 96-уйда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 12.08.2020 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан айбланган

Суд иш бўйича тўпланган далилларни текшириб, атрофлича муҳокама қилиб, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувини эшитиб, прокурор ва химоячининг фикрларини тинглаб, куйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Ш.Избосаров 2020 йил 04 июль куни соат 15:30 да яшаш хонадони бўлган Ўзбекистон тумани, Бекобод маҳалла фуқаролари йиғини, Нурли-файз кўчаси, 22-уйда фуқаро М.Кенжаев билан бирга спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст бўлиб, ўзаро гап талашиб, жанжаллашиб, жанжал давомида М.Кенжаевнинг юз қисмига қўлини муштлаб бир неча



маротаба қасддан уриб, жабрланувчи М.Кенжаевнинг соғлигини йигирма бир кундан кўп муддатга бузилишига олиб келган ўрта оғир тан жароҳати етказгани аниқланди.

Суд-тиббий экспертизасининг 2020 йил 07 июлдаги 2923-сонли хулосасида М.Кенжаевда кўшалок шиткастланиш, бош мия калла ёпиқ шикасти, бош мия лат ейиши енгил даражаси, чап орбита медила девори олдинги қисми суягини синиши, ькўкрак қафаси аъзолари ёпиқ жароҳати, кўкрак қафаси ўнг томондан 2-3 қовурғаларни синиши, ўкрак қафаси ўнг томонлама кичик ҳажмдаги гидроторакс, чап кўз атроф қовоқ соҳасида, ўнг кўз қовоқ юқори соҳасида, кўкрак қафаси юзасида қонталашлари бўлиб, ушбу жароҳатлар йигирма бир кундан кўп муддатга соғлиқнинг бузилишига олиб келган ўрта оғир тан жароҳатлари тоифасига кириши кўрсатилган.

Судланувчи Ш.Избосаров судда, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, ярашув тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, у ҳақиқатдан ҳам 2020 йил 04 июль куни яшаш уйи томорқасига сув кўйиш учун сув бошига борганида М.Кенжаев билан кўришиб қолгани ва М.Кенжаев унга сув очиб берганлигини, кейин М.Кенжаев унинг уйига келиб, унга “ароғинг борми” деб сўрагани, у уйдан ароғ олиб чиқиб, М.Кенжаев билан ичгани ва М.Кенжаев маст бўлиб, ўтирган жойида хожат қилиб кўйгани сабабли уни ушбу ҳолатдан жаҳли чиқиб, М.Кенжаевнинг юзига икки маротаба ургани ва М.Кенжаев деворга бориб урилиб, зинадан қорни ва бели аралаш йиқилиб ўтириб қолгани, у М.Кенжаевни хонадонидаги сўрига ётқизиб кўйгани ва М.Кенжаевнинг ўғли келиб дадасини олиб кетгани, ҳозирда у жабрланувчи М.Кенжаевга етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплагани, жабрланувчи М.Кенжаевдан кечирим сўраб ярашиб олгани, шунинг учун уни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилиб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни, ярашув тўғрисидаги аризасини тасдиқлашни сўраб кўрсатма берди.

Жабрланувчи М.Кенжаев судда, у ярашув ҳақидаги ариза билан мурожаат қилиб, у 2020 йил 04 июль куни дала майдонига Ш.Избосаров сув очиш мақсадида келиб, ундан сув очишга розилик сўраганида у рози бўлиб, бир қулоқ сув очиб бергани, шу куни соат 15:30 ларда Ш.Избосаровни уйига сувдан хабар олиш учун боргани ва томорқасини кўздан кечиргани, шундан сўнг у Ш.Избосаров билан бирга сўрида ўтириб овқатлангани ва спиртли ичимлик истеъмол қилгани, ўша пайт мастлиги сабабли нимадан жанжал чиққанини эслай олмаслигини, лекин Ш.Избосаров уни ўтирган жойида юзига муштлаб ургани ва у зарб кучидан хушини йўқотгани, эртаси куни ўзига келганидан шифохонада ётганини билгани, ҳозирда Ш.Избосаров унга етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаб, ундан кечирим сўрагани, у аризасини қувватлашини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Судланувчи Ш.Избосаров жиноий қилмиши билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмидаги жиноятни содир этган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида, “Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир



этган шахс, агарда айбига иқроп бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлса, жабрланувчи билан ярашиб олса, жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қопласа, жиноий жавобгарликдан озод қилиниб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш мумкин” деб кўрсатилган.

Суд, жабрланувчи М.Кенжаев ва судланувчи Ш.Избосаровларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Ўзбекистон туман прокурори ва ҳимоячининг фикрини эшитиб, судланувчи Ш.Избосаровни айбига ихтиёрий иқрорлиги, жабрланувчига етказилган зарарнинг тўлиқ қоплаганлиги, жабрланувчи ва судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи, жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, судланувчи Ш.Избосаровга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топди.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи М.Кенжаевга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасини 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан Избосаров Шарифжон Мураталиевич (Izbosarov Sharifjon Murataliyevich)нинг жиноят иши Ш.Избосаров жабрланувчи М.Кенжаев билан ярашгани сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан айблилик масала ҳал қилинмасдан ҳаракатдан тугатилсин.

Жабрланувчи М.Кенжаевга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ш.Избосаровга нисбатан қўлланган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ажримдан норози томонлар шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг апелляция судлов хайъатига ўн кун муддат ичида хусусий шикоят ва хусусий протест келтиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи; имзо

Ажрим нусхаси аслига тўғри

Жиноят ишлари бўйича

Фурқат туман судининг раиси

О.Хасанов

